**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ПРЕЗИДЕНТИНИНГ**
**ФАРМОНИ**
**26.08.1997 й.**
**N ПФ-1831**

(01.10.2018 йилгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар)

# ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАРИ БЎЛГАН КОРХОНАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республиканинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, хорижий сармоялари бўлган корхоналарнинг валюта билан ўзини ўзи қоплаш имкониятини ошириш, улар томонидан рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳамда экспортга етказиб беришни кўпайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. 1997 йилнинг 1 сентябридан бошлаб ўзи ишлаб чиқарадиган маҳсулотни эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилувчи хорижий сармоялари бўлган ишлаб чиқариш корхоналари учун қуйидаги қўшимча имтиёзлар ва афзалликлар белгилансин:

ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотга экспорт бож тўловлари бекор қилинсин;

харидорларга хизмат қилувчи вакил банкларнинг кафолатлари мавжуд бўлган ҳамда амалдаги қонунларда кўзда тутилган валюта даромади тушуми муддатларига риоя этилган тақдирда ўз маҳсулотини олдиндан ҳақ тўламасдан ва аккредитив очмасдан экспорт қилиш ҳуқуқи берилсин;

чет элларда ташқи бозорларнинг маркетинг тадқиқотлари ҳамда ишлаб чиқараётган маҳсулотни реклама қилиш мақсадида савдо уйлари ҳамда ваколатхоналари очиб, уларга консигнация шартлари асосида товарлар етказиб беришга ижозат берилсин;

ўзи ишлаб чиқарадиган маҳсулотни етказиб бериш учун экспорт контрактларини (лицензияланадиган товарлар экспортидан ташқари) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхатдан ўтказиш бекор қилиниб, уларни вакил банкларда ва божхона органларида ҳисобга олишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин;

корхоналар ўзи ишлаб чиқарадиган экспорт маҳсулотининг контракт нархларини шартнома асосида мустақил шакллантиришлари белгилаб қўйилсин. (

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ноқонуний олиб чиқиб кетилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин, амалдаги қонунларни бузувчиларга нисбатан маъмурий, шу жумладан жиноий жавобгарлик каби қатъий чораларни қўлласин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. Каримов**

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президентининг**
**1997 йил 26 августдаги**
**ПФ-1831-сон Фармонига**



«S.VERENIN'S LEGAL GROUP» Адвокатлик фирмасининг норматив базасидан олинган
www.sverenins.uz